

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

АСКАРОВ МИРЗОХИД МАХАММАДЖОН ЎҒЛИ

**XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИДАГИ
ИНГЛИЗ ТИЛЛИ ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по историческим
наукам**

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on historical sciences

Аскарлов Мирзохид Махаммаджон ўғли

XX аср охири – XXI аср бошларидаги инглиз тилли хорижий тадқиқотларда ўзбек халқининг ўзлигини англаш масалалари 3

Аскарлов Мирзохид Махаммаджон угли

Вопросы идентичности узбекского народа в зарубежной англоязычной литературе конца XX – начало XXI вв. 26

Askarov Mirzokhid Makhammadjon ogli

Identity issues of the Uzbeks in foreign English-language literature of the late XX – early XXI centuries 48

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

АСКАРОВ МИРЗОХИД МАХАММАДЖОН ЎҒЛИ

**XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИДАГИ
ИНГЛИЗ ТИЛЛИ ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология
07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Атгестация комиссиясида В2020.3.PhD / Таг366 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (uzhistory.uz) ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz)га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дониёров Алишер Худайбердиевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маҳкамova Нодира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор.

Искандаров Шерзод Абдиганиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз тор кўчаси 5-уй, ЎзР ФА Тарих институти, 2-қават Мажлислар зали). Тел.: (998) 71233-54-70; 71-233-73-19; факс: (998) 71-233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz. Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган).(Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел: (998) 71-262-74-58; факс: (+998) 71-262-34-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М. Ҳ. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

Н. А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги ўн йилликда дунё миқёсида глобаллашув ва интеграция жараёнларининг жадаллашуви натижасида турли халқларни бирлаштириб келган миллий-маданий қадриятларга доир чегаралар йўқолиб бормоқда. Турли маданиятларга хос глобаллашув ва интеграция жараёнлари қарама-қарши механизм – ҳар бир халқнинг ўзига хослиги ҳамда ўзлигини асраб қолиш жараёнини бошлаб берди. Бунинг сабаби, кўп асрлик тажрибага асосланган анъана ва миллий қадриятлар нафақат жамиятни бирлаштириш, шу билан бирга уни маънавий-маданий жиҳатдан бойитишга ёрдам бериб, давлатнинг ҳар томонлама ривожланиши учун муҳим восита ҳисобланади. ЮНЕСКО томонидан 2001 йилда “Маданий хилма-хиллик тўғрисида”ги умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниши ва унда ўзига хослик инсоният учун муҳимлиги (1–3 модда), шунингдек, ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатиغا Ўзбекистоннинг олти номоддий маданияти объектлари киритилганлиги ўзбек халқининг этномаданий ўзига хослигини сақлашнинг ёрқин намунаси дир.

Дунёда интеграцион жараёнларнинг кучайиши ва замонавий ўзликни англаш ҳодисасининг ўзгариб бориши ҳамда “ўзлик”нинг йўқотилиши хавфи, шунингдек, кўпмиллатли жамиятда бирлик ҳиссининг сусайиши – ўзликни англаш масаласини ўрганиш бўйича илмий изланишларга эҳтиёж туғдиради. Бугунги кунда дунёда ўзбеклар ва Марказий Осиёдаги бошқа халқларда ўзликни англаш жараёнини ўрганиш бўйича бир қанча институт ва илмий марказлар фаолият олиб бормоқда. Уларда диний (исломий) ўзликни англаш, гендер муносабатлари, маданий мерос, маҳаллий маданиятга нисбатан олиб борилган совет сиёсати масалалари (REEI, IU Bloomington; IEAS, UC Berkeley; CEERES, UChicago (AQSH) ва б.); Ўрта Осиё ва Кавказ халқларининг тарихи, археологияси, этнологияси, антропологияси, лингвистикаси, миграция жараёнларини ўрганиш масалалари (RSAA, Cambridge; SOAS, ULondon; SSS, UManchester (Буюк Британия) ва б.); ўзбек халқининг ўзликни англаш жараёни ва идентификацияси, ислом маданияти ва унинг ўзига хослиги, муқаддас зиёратгоҳлар, назарий антропология масалалари (Max Planck ISA (Германия)) ўрганилган; шунингдек, Европа (ESCAS, CASCA), AQSH (CESS) ва бошқа ҳудудлардаги марказлар ўз тадқиқотларини олиб бормоқдалар¹. Ўзбек халқининг (миллий, этник) ўзликни англаш жараёнини ўрганишга қаратилган ушбу илмий лойиҳалар мавзунинг халқаро миқёсда ҳам долзарблиги ҳамда заруратини кўрсатади.

Замонавий Ўзбекистон ҳудуди қадимдан ўзига хос этномаданий жамият шаклланган, турли халқлар ва элатлар яшаб келган минтақа ҳисобланади. Шу асосда шаклланган ўзбек халқининг ўзлик ҳисси кўплаб маданиятлар

¹ Диссертация мавзуси бўйича чет эл институтлари ва марказлари бўйича маълумотлар: <https://reei.indiana.edu>, <https://ieas.berkeley.edu>, <http://ceeres.uchicago.edu>, <https://rsaa.org.uk>, <https://www.soas.ac.uk>, <https://www.manchester.ac.uk>, <https://www.eth.mpg.de>, <http://www.escas.org>, <http://casca-halle-zurich.org>, <https://www.centraeurasia.org> ва б. бўйича тайёрланди.

бирлашувини кўрсатади ва халқнинг кўп асрлик этномаданий жараёнларини ўзида мужассам этган ноёб мулки ҳисобланади. Шу сабабли, ўзбекларнинг миллий ўзига хослигини мустаҳкамлаш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, “ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини фаоллаштириш, жамиятда ватанпарварлик ва ўз халқи билан ғурурланиш туйғусини шакллантириш миллий ўзликни англаш ҳиссини мустаҳкамлаш ва ватандошларимиз дунёқарашини кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади”². Шу нуқтаи назардан, ўзбек халқида ўзликни англаш жараёнини инглиз тилидаги адабиётлар асосида тадқиқ қилиш миллий ўзликни англаш ҳиссининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини ёритишга хизмат қилишда, шунингдек, хорижий қарашларни баҳолаш ва ўзликни англаш бўйича тадқиқотларни ривожланишининг устувор йўналишларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон Қарори ҳамда соҳага оид бошқа ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзликни англаш (гуруҳий, диний, этник, миллий ва б.) масалаларига бўлган қизиқишнинг ортиши ҳамда ушбу мавзу доирасида давом этаётган илмий қарама-қаршиликлар мазкур муаммо маҳаллий ва хорижий тарихчилар, этнологлар, антропологлар, шунингдек, файласуфларнинг диққат марказида бугунги кунгача қолаётганини тасдиқлайди. Мавжуд адабиётлар таҳлили кўрсатадики, ушбу мавзу XX аср охири – XXI аср бошларидаги инглиз тилидаги адабиётлар асосида ҳар томонлама ўрганилмаган. Шунга қарамай, ўзбекларда ўзликни англаш масаласининг баъзи жиҳатлари ва хусусиятларини акс эттирган бир қатор илмий изланишлар ҳам мавжуд эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Хорижий адабиётларнинг тарихшунослик таҳлили натижаларига кўра,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги № ПҚ-4390-сонли «O‘zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори // <https://lex.uz/docs/4414474>

даврий ёндашув асосида, тадқиқотлар икки даврга бўлиб ўрганилди: *биринчи давр* – XX асрнинг 50–90-йиллари. *Иккинчи давр* – XX асрнинг 90-йиллари бошидан XXI аср бошларига қадар. Ўзбек халқи ўзлигини англаш масаласини ўрганишга қаратилган махсус этнологик ва антропологик изланишлар иккинчи даврда бошлангани сабабли мазкур диссертация иккинчи даврга оид илмий адабиётлар асосида амалга оширилди.

Биринчи давр (XX асрнинг 50–90-йиллари)нинг айнан 50-йиллардан бошланиши Совет давлати раҳбари И. Сталиннинг вафоти билан боғлиқдир. Ушбу ҳодиса хорижий тадқиқотчилар томонидан ўзбек халқининг ўзликни англаш жараёнини чуқурроқ ўрганишга асос бўлди: олимлар архив ва кутубхоналарда ишлаш, Совет давлати ва унинг иттифоқдош республикалари ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, мамлакатга ташриф буюриб, чекланган даражада бўлса ҳам, дала тадқиқотларини олиб боришга муваффақ бўлишди. 60-йиллар бошлари сиёсий буйруқбозлик ва умуман олганда, фан устидан тоталитар назоратнинг юмшаши билан ажралиб турарди. Натижада, чет эллик тадқиқотчилар минтақага доир этнографик материаллар сонини сезиларли даражада кўпайтирдилар.

1980-йилларнинг иккинчи ярми, “Қайта қуриш” жараёни бошланганидан кейинги ошкоралик даври билан боғлиқ бўлган ҳолда, тарих ва этнография фанларида ҳам хорижий тадқиқотлар фаолияти сезиларли даражада жонлангани билан ажралиб туради.

Сиёсий тўсиқларга қарамай, ушбу даврда Р. Пайпс, А. Парк, Р. Вейдианат, П. Блитстейн, Ж. Массел, С. Фицпатрик, В. Коннор, Н. Любин, Ж. Уилер, Э. Бэкон, А. Беннигсен, Д. Монтгомери ва бошқа бир қатор тадқиқотчиларнинг асарлари нашр этилди.

Кўрсатилган даврда ўзбекларнинг диний мансублиги билан боғлиқ ҳолда, асосан, исломга оид тадқиқотлар кенг ривожланди. Ушбу тадқиқотларда исломнинг ўзига хос томонлари кўриб чиқилган бўлиб, “Худосизлик даври”даги диний мансублик ҳиссининг сақланиб қолиш жиҳатлари очиқ берилди. Мазкур даврдаги ислом динини тадқиқ қилган машҳур олимлар қаторида Ж. Уилер, О. Карое, У. Коларц, А. Беннигсен, Э. д’Анкосс, Ш. Лемерсье-Кельеже, М. Броксап, Р. Пайпс, Э. Оулворт, Э. Уимбуш ва бошқаларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Иккинчи давр – XX асрнинг 90-йиллари бошидан XXI аср бошларигача. Ушбу босқичдаги тадқиқотлар биринчи даврдаги илмий изланишлардан кескин фарқ қилади, чунки Ўзбекистон бошқа кўшни республикалар сингари XX асрнинг 90-йиллари бошларида мустақилликка эришди. Натижада, Совет давлати томонидан қўйилган кўплаб чекловлар бекор қилинди ва йиллар давомида ёпиқ бўлган архив маълумотларига кириш имконияти вужудга келди. Бундан ташқари, Республика хорижий тадқиқотчилар учун ўз эшикларини очди, улар кейинчалик илгари жуда кам учрайдиган ҳақиқий дала тадқиқотларига асосланган кўплаб асарларини нашр этдилар. Шу муносабат билан, XX асрнинг 90-йилларида Марказий Осиё халқлари тарихи, этнологияси ва антропологияси бўйича нашрлар сони кескин ошди.

Ушбу даврда ўз тадқиқотларини олиб борган тадқиқотчилар қаторига

тарихчилар – Э. Оулворт, Ю. Брегель, Ю. Слэзкин, Т. Мартин, В. Фирман, Ш. Акинер, М. Ларюэль, М. Фумагалли, А. Холид; тарихчи-сиёсатшунослар – Р. Г. Суни, Н. Мегорэн, Б. Хирман, Ш. Акбарзаде, Т. Дадабоев, О. Феррандо, Р. Айзекс; социолог ва антропологлар – Л. Адамс, П. Финке, М. Камп, М. Лоу, Р. Занка, Ж. Расанаягам ва бошқаларни киритиш мумкин.

Совет давридаги ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши муаммоси бир нечта босқичларда ўрганилди. Хусусан, ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи С. П. Толстов, А. А. Асқаров, К. Ш. Шониёзов, М. Эрматов, Х. Дониёров, Б. Аҳмедов, Т. Файзиев, Б. Х. Кармишева, М. Г. Ваҳобов ва бошқалар томонидан кенг кўламда ўрганилган. Мазкур тадқиқотлар тўғридан-тўғри ўзбекларнинг этник ўзига хослик (идентиклик) масаласига таалуқли бўлмаса ҳам, улар ўзбекларда миллий ўзликни англаш жараёнининг шаклланиши билан боғлиқ саволларга жавоб берган.

Ўзбекистонда ўзликни англаш масаласи бўйича замонавий тадқиқотчилар қаторига В. С. Хан, А. А. Аширов, Н. Ҳ. Азимова, Г. Ш. Зуннунова, А. М. Маликов, И. М. Хўжахонов, Ш. Мадаева, Х. Б. Қодиров, С. Т. Давлатова ва бошқаларни киритиш мумкин.

Шундай қилиб, замонавий глобаллашув даврида турли халқлар, маданиятлар ва цивилизацияларнинг ўзаро таъсири жараёни ўзлик масаласини долзарб муаммога айлантирди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Тарих институти ЁФ1-ФА-0-12230 “Ўзбеклар миллий идентиклигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқининг ўзликни англаш масаласига доир ХХ аср охири – ХХІ аср бошларида инглиз тилида нашр қилинган адабиётларнинг тарихшунослик таҳлилини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзликни англаш жараёни билан боғлиқ бўлган асосий методологик ва илмий-назарий ёндашувларни таснифлаш;

ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёни масалалари ўрганилаётган тадқиқот институтлари ва уларнинг нашрлари, хорижий тадқиқот марказларини аниқлаш ҳамда тизимлаштириш;

хорижий инглиз тилли адабиётларда ўзбек халқининг ўзлиги шаклланиши жараёнига доир билимлар, назариялар ва ёндашувлар ривожланиш тадрижини очиб бериш;

ўзбекларнинг ягона миллат сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган этник гуруҳларга мансублик жиҳати мавжуд бўлганлигини ёритиб бериш;

тарихшунослик таҳлили натижаларига асосан, ўзбек халқида ўзликни англаш жараёни босқичларини аниқлаш ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш;

замонавий ўзбек халқида ўзликни англаш жараёнининг ривожланиш ва

мустаҳкамланиш омилларини таҳлил қилиш;

тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда илмий хулосалар бериш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини XX–XXI аср бошларидаги ўзбек халқининг ўзликни англаш масаласи, унинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг инглиз тилли тадқиқотларда акс этиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ўзбек халқининг ўзликни англаш жараёнини билан боғлиқ тадқиқотлар, ёндашувлар, илмий мактаблар, этнологик ва антропологик излагишлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ва қиёсий-солиштирма таҳлил, контент таҳлил, шунингдек, кўп гуруҳларга мансублик жиҳати каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

примордиализм, конструктивизм ва инструментализм этнологик назариялари кесишмасида ўзбек халқининг этномаданий ўзлигини англаши очиб берилган;

ўзбекларнинг миллий ўзлигини англашига совет ҳокимиятининг “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” сиёсати эмас, балки маҳаллий зиёлиларнинг миллий давлат ҳақидаги ғоялари асос бўлганлиги этнографик материаллар асосида исботлаб берилган;

ўзбек халқи этнологиясига доир инглиз тилида бажарилган тадқиқотлар XX аср 90-йилларида “минтақавий тадқиқотлар” (area studies), XXI аср бошларида “маданий тадқиқотлар” (cultural studies) ва ҳозирда эса “қуваётган этнография” (catch-up ethnography) ёндашувлар тарзида ривожланганлиги асослаб берилган;

Европа ва АҚШдаги илмий марказларда ўзбек этнологиясига оид тадқиқотлар геосиёсий вазиятга қараб ривожланганлиги ва Марказий Осиё илмий-тадқиқот мактаблари шаклланишига асос бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Европа ва АҚШ тадқиқот институтлари ҳамда марказлари тадқиқотчиларининг ишлари, диний, ҳудудий, лингвистик, уруғ-қабилавий ва этник ўзликни англаш тўғрисидаги мунозаралар, ўзлик хиссини ривожлантириш ва кристаллаштиришга қаратилган ягона давлат, кадриятлар ва рамзлар тизимини яратилиши, урбанизация жараёни, бошқа график тизимга ўтиш, тил сиёсати, диний соҳадаги ислоҳотларнинг тарихшунослик таҳлили асосида давлат ва маҳаллий халқнинг ўзбекларда миллий ўзликни англаш жараёнининг шаклланиши ва ривожланишидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар аниқлаштирилган;

диссертация мавзуси доирасидаги хорижий инглиз тилли тарихшунослик тадқиқоти Ўзбекистондаги тарихий, этнологик ва антропологик фан соҳаларини янги назарий-услубий, концептуал ҳамда нарратив билимлар билан бойишига хизмат қилади. Жумладан, замонавий ўзбекларнинг (миллий) ўзликни англаш жараёни шаклланиши ва ривожининг ўзига хос жиҳатлари акс этган кўплаб назария ҳамда қарашлар, аввал ўрганилмаган инглиз тилли маълумотлар, ушбу соҳадаги илмий журналлар ва нашрлар ҳақидаги

маълумотлар илмий муомалага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ўзбекларда миллий ўзликни англаш масаласини ўрганишда замонавий назария, ёндашув ҳамда усуллар қўлланилганлиги, инглиз тилли хорижий тадқиқотларнинг катта қатламидан ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари изланишларидан фойдаланилганлиги, ҳолислик тамойилларининг қўлланилганлиги, халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбекларда (миллий/этник) ўзликни англаш масаласи, унинг босқичлари, ўзига хос жиҳатлари, хорижий инглиз тилли тадқиқотларда акс этишини ўрганишда фанлараро ёндашув ва янги назарий-услубий қарашлардан фойдаланиш ҳамда ишда қайд этилган маълумотлардан ўзбекларда миллий ўзлик ҳиссини ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва миллий анъаналарининг илдизлари қадимий эканлигини очиб беришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий натижалардан олий таълим муассасаларида “Ўзбек халқи тарихи”, “Этнология ва антропология”, “Маданий антропология”, “Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги”, “Марказий Осиё халқлари этнологияси” каби фанларни ўқитиш, ўзбек халқининг шаклланиши ва ривожланишига доир назарий-услубий қўлланмалар тайёрлаш, шунингдек, хорижий тадқиқотлар, илмий марказлар ва институтлар фаолиятига доир дарсликларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқининг ўзлигини англаш масаласини хорижий инглиз тилли маълумотлар асосида тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

ўзбекларнинг миллий ўзлигини англашига совет ҳокимиятининг “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” сиёсати эмас, балки маҳаллий зиёлиларнинг миллий давлат ҳақидаги ғоялари асос бўлганлигига оид маълумотлардан 5120300 – Тарих (Марказий Осиё халқлари тарихи) таълими йўналиши учун мўлжалланган “Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 89-03-3765-сонли маълумотномаси). Ушбу маълумотлар ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи тарихшунослиги масаласини инглиз тилли илмий адабиётлар асосида таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва бойитиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

ўзликни англаш масаласи бўйича хорижий илмий изланувчилар хулосаларининг қиёсий таҳлили, XX асрда ўзбекларда мансубликнинг ягона кўриниши мавжудлиги тўғрисидаги фикрлар, кўп гуруҳларга мансублик жиҳати мавжуд бўлганлиги ва айнан шу асосда ягона ўзбек миллати шаклланилганлиги, баъзи хорижий тадқиқотчиларнинг қарашларида ҳолисона ёндашув йўқлиги каби хулосалардан 5120300 – Тарих (Марказий Осиё

халқлари тарихи) таълими йўналиши учун “Марказий Осиё халқлари этнологияси” номли дарсликда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 89-03-3765-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий натижалар ўзбек миллий ўзлигини англаш жараёни ва унинг ривожланиш босқичлари тўғрисидаги билимларни бойитишга хизмат қилган;

инглиз тилида ўзбек халқи этнологиясига доир бажарилган тадқиқотлар XX аср 90-йилларида “минтақавий тадқиқотлар” (area studies), XXI аср бошларида “маданий тадқиқотлар” (cultural studies) ва ҳозирда эса “қуваётган этнография” (catch-up ethnography) ёндашувлар тарзида ривожланишига оид мулоҳазалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган ИЖ.318 “Ўзбеклар миллий идентиклигининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари” (2018–2019) номли лойиҳани бажаришда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 11 ноябрдаги 3/1255-2457-сонли маълумотномаси). Ушбу натижалар ўзбекларда миллий ўзликни англаш масалаларини замонавий хорижий назарий-услубий ёндашувлар, адабиётлар асосида тадқиқ этиш учун манбавий асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 5 та халқаро ва 14 та республика республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та (улардан 8 таси республика, 4 таси хорижий журналларда) мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари устувор йўналишларига мос келиши, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилигини асослаш билан бирга, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзликни англаш жараёни масаласининг назарий-услубий асослари” деб номланади. Унда ўзбек халқининг ўзлиги (этник/миллий)ни англаш жараёнини тадқиқ қилишдаги услубий ёндашувлар, шунингдек, Марказий Осиё халқлари ўзлигини англаш масаласини ўрганишга қаратилган марказлар ва институтларнинг контент

маълумотлари, услубияти ҳамда ёндашувлари, тадқиқот географияси ёритиб берилган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфи мазмунига кўра, бугунги кунда “ўзликни англаш” (идентиклик) тушунчасининг мазмунини аниқлаш масаласи фалсафа, социология, психология, сиёсатшунослик, этнология ва антропология каби замонавий илм-фан йўналишларининг энг кўп муҳокама қилинадиган муаммоларидан бирига айланди. Маълумки, “идентиклик” атамаси (инг. *Identity* ёки латинча – “*idem*” олинган ва “худди ўзи” деган маънони англатади) бирор-бир объектнинг турли трансформация жараёнларига қарамай, ўзлигини сақлаб қолишини англатади. Ушбу атама шахсиятнинг ўзига хослигини таъминлайдиган “ўзини” (Self) шахснинг индивидуал мавжудлигини тавсифлаш учун ишлатилади³.

Маълумки, “ўзликни англаш” тушунчаси атрофидаги масалалар XX асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб қизгин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳодисанинг деярли барча тадқиқотчилари америкалик олим, психолог ва психоаналитик Э. Эриксеннинг ўзликни англаш (идентиклик)ни ўрганиш билан махсус шуғуллангани ҳамда ўз тадқиқотларида ушбу атамадан кенг фойдаланганини таъкидлашади⁴.

Кўп сонли ёндашувлар орасида И. Гофманнинг “драматик ёндашуви”⁵ нафақат социологлар, шу билан бирга сиёсатшунос, тарихчи, антрополог ва этнологлар орасида ҳам кенг эътироф этилди. Масалан, тадқиқотчи В. Жеймс томонидан фанга киритилган ижтимоий шахснинг кўплиги концепциясига асосланади, унга кўра, инсон қанча турли хил ижтимоий “Мен”ларга эга бўлса, шунча унинг фикрларини қадрлайдиган шахслардан иборат турли гуруҳлар мавжуддир. У, одатда, ушбу гуруҳларнинг ҳар бирига ўзининг ўзига хос томонини кўрсатади.

В. Жеймс томонидан ишлаб чиқилган ва И. Гофман томонидан ривожлантирилган мазкур концепция замонавий Ўзбекистон ҳудудида ўзгарувчан ўзликни англашнинг асосий калитларидан бири бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир “анъанавий” ўзликни англаш ҳисси миллий ўзликни англаш ҳисси пайдо бўлгунига қадар ҳар бир индивид вазият ва атрофдаги уни ўраб турган гуруҳ, яъни “аудитория”га қараб мустақил равишда ўз фаолиятини давом эттирган.

Ўзбекистондаги гуманитар фанлар доирасида “ўзликни англаш (идентиклик)” атамасидан фойдаланиш қуйидагиларга ёрдам бериши билан муҳим аҳамиятга эга:

биринчидан, этнологик ва антропологик тадқиқотлар соҳасининг услубий асосларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш;

иккинчидан, илм-фандаги янги “назариялар”ни синаш ва уларнинг

³ Косенчук Л. Сущность идентичности и основные подходы к её исследованию // Теория и практика общественного развития. – 2014. – №16. – С. 223–224.

⁴ Эриксон Э. Молодой Лютер. Психоаналитическое историческое исследование / Пер. с англ. А. М. Каримского. – М.: Медиум, 1996. – 560 с.; Ўша муаллиф: Детство и общество. – СПб.: Лепато ЛСТ, 1996. – 592 с.; Ўша муаллиф: Идентичность: юность и кризис. – М.: Прогресс, 1996. – 344 с.

⁵ Гофман И. Представление себя другим в повседневной жизни / Пер. с. англ. и вступ. статья А. Д. Ковалёва. – М.: Канон-Пресс, 2000. – 285 с.

самарадорлиги тўғрисида хулосалар чиқариш;

учинчидан, “эски” концептуал аппаратни қайта кўриб чиқиш ва ушбу таърифлар Ўзбекистоннинг замонавий гуманитар фанлар тизимида қанчалик долзарблигини ҳал қилиш;

тўртинчидан, этнологик ва антропологик луғат яратиш ҳамда атамаларнинг моҳияти ва фарқини тушунтириб бера оладиган, яъни алоҳида олинган ҳар бир тушунча ёки атамаларнинг фарқланишини аниқ кўрсатиб берадиган атамалар рўйхатини жорий этиш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш.

Ҳозирги вақтда хорижий инглиз тилидаги тадқиқотларда ўзбек халқи “ўзликни англаш жараёни” (идентиклиги) кўпинча бир нечта назарий позициялардан бири (моделлар ёки ёндашувлар)га мувофиқ талқин этилади: 1) примордиализм ёки эссенциализм (баъзи тадқиқотчилар иккаласини ҳам алоҳида, мустақил ёндашув сифатида талқин қиладилар); 2) конструктивизм; 3) инструментализм ва бошқ.

Ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёни билан боғлиқ масалаларни ёритиш учун “Борромео ҳалқаси” асосидаги ягона ёндашувдан фойдаланиш таклиф қилинди. Ушбу ёндашув биринчи маротаба психоаналитик Ж. Лакан томонидан инсон шахсияти турларини аниқлаш учун қўлланилган. Ўзбек халқи ўзлигини англаш жараёнининг шаклланиши ва ривожланишини хорижий инглиз тилидаги адабиётларда муҳокама қилинган тамойилларга мувофиқ равишда таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Таклиф қилинган схемада ҳар бир шартли ҳалқа реалликнинг фундаментал компонентини ташкил қилади ва маҳаллий маданият ҳамда анъаналарни ўзига хослиги ва ўхшаши йўқлигини акс эттиради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида Марказий Осиё этнослари, хусусан, ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёнига доир билимларнинг ривожини ёритиб берилган. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, замонамизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеалари билан боғлиқ ҳолда, ушбу мавзунинг илмий йўналишлари ҳажми чуқурлашмоқда, тадқиқот методологияси ҳамда усуллари такомиллаштирилмоқда, тадқиқотлар географияси ҳам кенгайиб бормоқда.

Маълумки, алоҳида минтақани унинг географик ҳудуди, кўшни мамлакатлар ва халқлар билан чегараларидан ташқарида, алоҳида контекстда ўрганиш мумкин эмас. Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ҳар доим Марказий Осиё билан ажралмас ҳолда ўрганилиб келинган. Бироқ, ҳалигача “Марказий” ёки “Ўрта Осиё” минтақасини номлашда ҳал қилинмаган терминологик чалкашликлар мавжуд. XX аср охири – XXI аср бошларида Ғарбий ва Америка илмий ҳамжамиятида кенг маънода ва бир-бирининг ўрнида “Ички Осиё (*Inner Asia*)”, “Евроосиё (*Eurasia*)”, “Ўрта Осиё (*Central Asia*)” атамалари ва қолган барчасининг асосий синоними сифатида “Марказий Осиё” атамаси қўлланиб келинган.

Марказий Осиё (хусусан, Ўзбекистон)ни ўрганиш бўйича аксарият замонавий марказлар ва институтлар Буюк Британия, Германия, Россия Федерацияси, Франция, АҚШ, шунингдек, баъзи Осиё давлатлари – Япония

ҳамда Жанубий Кореяда жойлашган. Жаҳондаги геосиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда тадқиқот географияси ҳам ўзгариб борган. Агар Иккинчи жаҳон урушидан аввал Шарқ мамлакатлари ва халқларни ўрганиш билан Буюк Британия ва Францияда кўпроқ шуғулланилган бўлса, “Совуқ уруш” ҳамда ундан кейинги даврда тадқиқот марказлари АҚШга кўчиб ўтиб, бугунги кунгача ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёнига оид кўплаб илмий нашрлар айнан ушбу ҳудуддан тарқалмоқда.

Марказий Осиё халқларининг ўзлигини англаш жараёнини ўрганиш бўйича хорижий тадқиқотлар натижаларига кўра, Ғарбий ва Америка илм-фанида Шарқ халқларини ўрганишнинг қуйидаги босқичлари кузатилган:

1. Колониал давр – XX аср 50-йилларидан 90-йиллари бошларигача (икки микро босқичга бўлинади – 50–60-йиллар ва 70–90-йиллар)⁶.

2. Постколониал (*post-colonial*) (баъзан постсоциалистик (*post-socialistic*)⁷ давр (икки микро босқичга бўлинади – 90-йиллар ва XXI аср бошлари).

Агар биринчи давр йўналишини дунёдаги геосиёсий вазият белгилаб берган бўлса, иккинчи давр 1991 йилда СССРнинг парчаланиши билан бошланди. Воқеаларнинг бундай жадал ривожланишини кутмаган кўплаб тадқиқотчилар учун бу ҳол кутилмаган воқеа бўлди. Натижада 90- йилларда мавжуд тўсиқлар ниҳоят бартараф этилди. Дала тадқиқот асосида ичкаридан Марказий Осиёга оид ҳақиқатларни ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Ушбу даврдаги тадқиқотларнинг контент таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб постсовет Марказий Осиёга оид илмий изланишлар қоида тариқасида “Совуқ уруш”нинг тугаши платформасига асосланган бўлиб, давлат социализмдан демократия ва капитализмга ўтиш хусусиятлари муаммоларини ҳал қилишга қаратилган. Минтақавий тадқиқотларнинг долзарблиги ўз аҳамиятини йўқотганидан сўнг, антропологлар томонидан маданий тадқиқотлар (*cultural studies*) олиб борилиши ва натижада антропологик тадқиқотлар мавзулари ҳамда объектлари доирасини кенгайтиришнинг реал имконияти пайдо бўлди. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб “соф” антропологик тадқиқотлар сони кўпайиб борди, уларда маҳаллий ўзлик (идентиклик) вакиллари (ўзбек, тожик, қирғиз ва б.), маданият ва ижтимоий институтлар чуқур ўрганила бошланди.

XXI аср бошларида инглиз тилида сўзлашадиган тегишли ихтисослашган аудитория учун Марказий Осиёга оид этнографик библиография худдики, бир бўшлиқ эди⁸. Марказий Осиё минтақасига доир антропологик тадқиқотларнинг жонланиши жуда секин ва нотекис кечди. Тадқиқотлар сонининг кўпайиши кўпинча сиёсий вазиятнинг натижаси бўлган. Эҳтимол,

⁶ Қаранг: Chari S., Verdery K. Thinking between the posts: postcolonialism, postsocialism, and ethnography after the Cold War // *Comp. Stud. Soc. History*, 2009. – Vol. 51:6. – P. 34; Liu M. Detours from utopia on the Silk Road: ethical dilemmas of neoliberal triumphalism // *Central Eurasian Studies Review*, 2003. – Vol. 2:2. Ўша муаллиф: Central Asia in the Post–Cold War World // *Annual Review of Anthropology*, 2011. – Vol. 40. – P. 115–131.

⁷ Қаранг: Marsden M. Southwest and Central Asia: Comparison, Integration or Beyond? // R. Fardon et al. (eds.). *The SAGE Handbook of Social Anthropology*. – L.: Sage, 2012. – P. 340–365; Liu M. Central Asia in the Post–Cold War World // *Annual Review of Anthropology*, 2011. – Vol. 40. – P. 116–117.

⁸ Ривз М. Антропология Средней Азии через десять лет после «состояния поля»: стакан наполовину полон или наполовину пуст? // *Антропологический форум*, 2014. – №20. – С. 62.

бу, биринчи навбатда, АҚШни яна Марказий Осиё халқлари билан чуқурроқ алоқада бўлишга мажбур қилган 2001 йил 11 сентябрь воқеалари билан боғлиқдир⁹. Иккинчидан, аҳоли сонининг кўпайиши ва Марказий Осиё минтақасидан Ғарбга кўчиш жараёнлари билан боғлиқдир. Бундан ташқари, илгари антропология билан шуғулланмаган, илм-фаннинг бошқа соҳаларидан бўлган тадқиқотчилар доираси кенгаймоқда. Масалан, сиёсатшунослар – Э. Шац, Ж. Хизершоу, Спектор ва М. Фумагалли, географлар – Бичсел, Н. Мегорэн; социолог – Л. Адамс; тарихчилар – М. Камп, А. Холид ва бошқ.

Фанлараро тадқиқотлар сони ҳам кўпаймоқда. Майдоннинг нисбатан кичиклиги сабабли, фанлараро академик ҳамкорликнинг кўлами ва айниқса хилма-хиллиги лол қолдиради: антропологлар ва сиёсатшунослар (масалан, Ривз, Расанаягам, Бейер) ёки антропологлар ва тарихчилар (Сахадео ва Занка) бирга фаолият олиб бормоқдалар¹⁰.

Агар М. Ривз тўғри таъкидлаганидек, ХХI асрнинг дастлабки йилларида инглиз тилида бажарилган Марказий Осиё тадқиқотлари жадал ривожланган бўлса, унда сўнгги 5–6 йиллардаги ҳолат антропологик тадқиқотлар кўлами бўйича ижобий башоратга ҳеч қандай асос бермайди. Бу, бир томондан, Ғарб тадқиқот марказларида молиялаштиришнинг кескин камайиши ва бошқа томондан, Марказий Осиё давлатларида дала тадқиқотларини олиб боришдаги тўсиқлар билан боғлиқ.

Диссертациянинг **“ХХ асрдаги ўзбеклар: ўзлик жараёнининг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий босқичлар”** деб номланган иккинчи бобида ўзбек халқининг ўзликни англаш жараёнини шаклланиши ва ривожланиши ҳамда мазкур ўзгаришларнинг инглиз тилидаги хорижий тадқиқотларда акс этиши ёритилган. Назарий жиҳатдан ушбу боб хорижий инглиз тилли тадқиқотларда аниқланган ўзликни англаш жараёнини ўрганишда конструктивистик ёндашувга асосланган. Конструктивистик ёндашувга кўра, бир нечта мансублик ҳиссининг бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлишини кўп гуруҳларга мансублик жиҳати (кўп идентиклик), ўзгарувчан мансублик жиҳати (ўзгарувчан идентиклик) ёки бир нечта мансублик деб аташ мумкин. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз, ўзликни англаш жиҳатлари тўплами вақт ўтиши билан тарихий, сиёсий ва маданий омилларга боғлиқ равишда ўзгариб боради¹¹.

Агар ушбу бобнинг биринчи параграфида миллий давлат яратилишидан олдинги ўзбек мансублигининг тоифалари тасвирланган бўлса, иккинчи параграфида эса “ўзбеклик” туйғусини ривожлантириш ва миллий ўзликни англаш жараёнини мустаҳкамлашдаги баъзи давлат воситалари таҳлил қилинган.

Инглиз тилидаги материалларга асосланиб, хронологик равишда ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёни шаклланиши ва ривожланишини учта катта босқичга бўлиш мумкин: 1) ХХ аср бошларидаги ўзбек ўзлиги ҳисси; 2)

⁹ Ривз М. Антропология Средней Азии через десять лет после «состояния поля» ... – С. 62.

¹⁰ Ривз М. Антропология Средней Азии через десять лет после «состояния поля» ... – С. 65.

¹¹ Маликов А. Самоназвание узбек и его трансформация (по источникам XV – первой половины XVI в.) // Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии. Выпуск 2. – Lambert, 2017. – С. 31.

Ўзбекистон ССР даври (XX асрнинг 20–90-йиллари)да замонавий ўзбек халқида ўзлик ҳиссининг шаклланиши; 3) мустақиллик даври (XX асрнинг 90-йилларидан то ҳозирги кунгача)да миллий ўзлик ҳиссининг ривожланиши.

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар (А. Беннигсен, Ж. Шоберлайн, Г. Шлии, С. Абашин, З. Арифханова, В. Хан, А. Маликов ва б.) мустамлакадан олдин ва мустамлакачилик давларида бир нечта тоифадаги гуруҳлар мавжудлигини бир неча бор таъкидлаганлар. Жумладан: диний, уруғ-қабилавий, ҳудудий-минтақавий, табақавий (клан), лингвистик, маданий-хўжалик ва бошқа.

Ўзликни англаш жараёнининг диний мансублик жиҳати А. Холид, Д. Абрамзон, Д. Монггомери, Ж. Расанаягам, Ш. Акинер, Ш. Акбарзаде, О. Феррандо, Б. Хирман ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида кенг ёритилган. Мансубликнинг ушбу тури ўзликни англаш ҳиссининг энг барқарор ва кенг тарқалган тури ҳисобланган. Диний мансубликнинг жамиятдаги ўрни бўйича фикрларда яқдиллик йўқ. Тадқиқотчи Ш. Акинернинг фикрига кўра, ислом ҳар доим ҳам диний мансубликни кўрсатиб турувчи белги ҳисобланмаган. Америкалик тадқиқотчи А. Холид Ш. Акинердан фарқли равишда, Марказий Осиё мамлакатларида маҳаллий туб аҳоли жамоасини таърифлаб берувчи энг кенг тарқалган атама бу – “Туркистон мусулмонлари” бўлган, деб таъкидлаган. Бу каби фикрлардаги қарама-қаршиликлар жуда ҳам кўп бўлиб, ушбу мавзунини комплекс тадқиқ қилишни давом эттириш долзарблигини кўрсатади.

Агар уруғ-қабилавий мансублик ҳисси тўғрисида гапирадиган бўлсак, хорижий тадқиқотларда унга етарлича эътибор берилмаган. Қисман маълумотлар Э. Оулворт, Ж. Глен ва Ж. Уилер каби тадқиқотчилар ишларида учрайди. Балки, бу эмпирик маълумотлар ва дала тадқиқотлари етишмаслиги сабабли юзага келган ҳолатдир. XX аср 90-йилларининг ўрталарида минтақага кириш имкони пайдо бўлганида, тадқиқотчиларга амалий билимлар етишмаган, натижада маҳаллий тил, маданият ва менталитетни яхши билмасликлари ёзган асарларида ҳам яққол намоён бўлиб қолган.

Ҳудудий-минтақавий мансублик ҳисси О. Рой, Ж. Лонг, Ш. Акбарзаде ва М. Сабтельни каби тадқиқотчилар асарларида батафсил ўрганилган. Масалан, Ш. Акбарзаденинг фикрига кўра, мансубликнинг ушбу кўринишидан, асосан, маҳаллий муносабатларда фойдаланилган. Унинг ривожланишида Буюк Ипак йўли ва қўшни мамлакатлар, халқлар ҳамда қабилалар ўртасидаги савдо-сотик алоқаларининг бошқа турлари муҳим роль ўйнади. Масалан, бир савдогар Бухорога Қўқондан келганида ўзини “қўқонликман” деб таништирган. Шундай қилиб, у, биринчидан, ўз ҳукмдорига содиқлигини, иккинчидан, у ўзини қўқонлик бўлмаганларга нисбатан ажратиб кўрсатган. Аммо, ушбу даврда “кўп гуруҳларга мансублик жиҳати” мажуд бўлганлигини ҳам унутмаслик керак. Агар у ўз мансублигини “қўқонлик” деб кўрсатган бўлса ҳам, бу унинг диний, уруғ-қабилавий ёки диний мансублигидан воз кечганини англамайди.

Тил (шева) мансублиги Ш. Акинер, Ш. Акбарзаде, Б. Манз ва бошқа тадқиқотчилар асарларида ўз аксини топган, аммо ушбу йўналишдаги

тадқиқотлар ҳали давом этмоқда.

Этник ёки миллий мансублик жиҳати. Сўнгги йиллардаги хорижий тарихшуносликда мустамлака даврига қадар Марказий Осиё худудида на этник, на миллий номлар мавжуд бўлмаган, деган фикр кенг тарқалган¹². Масалан, М. Фумагаллининг фикрига кўра, совет давригача Марказий Осиёда ўтроқ деҳқонлар, кўчиб келган рус аҳолиси ва кўчманчилар тоифаси орасидаги боғлиқлик этник алоқаларни излашга қаратилган ҳар қандай уринишдан кўра анча аҳамиятлироқ ҳисобланган¹³. Маҳаллий аҳоли томонидан нафақат ўтроқ ёки кўчманчи аҳоли тоифалари, шу билан бирга бошқа гуруҳларга мансублик тоифалари ҳам этник мансублик тоифасига қараганда анча кенг ва кўп фойдаланилган.

Марказий Осиё ҳар доим турли хил этник гуруҳлар, қабилалар, халқлар, диний ва конфессионал эътиқодлар, тиллар, лаҳжалар, маданият турлари ҳамда кадриятлар учун алоқа маркази ҳисобланиб келган. Бундай вазиятда мансублик чегараларини аниқлаш осон иш эмас. Хорижлик тадқиқотчилар Ўзбекистон ССР ташкил топишидан олдинги ўзбек халқининг ўзлигини англаш ҳиссини баҳолаш жараёнида, “кўп гуруҳларга мансублик” позициясидан келиб чиққанлар. Аммо, юқорида таҳлил қилинганидек, улар ушбу мансублик тоифалари ва уларнинг ўзбеклар ҳаётидаги ўрни тўғрисида яқдил фикрга эга эмас эдилар.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида миллий давлат яратилганидан кейинги ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Маълумки, Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши ўзбек халқи ҳаётидаги муҳим воқеа бўлиб, хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, миллий ўзликни англаш жараёни ривожланишининг кейинги босқичини белгилаб берди.

Ушбу йўналишда ягона миллий давлатни яратилиши (Т. Мартин, Ю. Слезкин, Ш. Акбарзаде, Ф. Хирш); ягона кадриятлар тизими ва большевикча белгиларнинг яратилиши (Ж. Сенборн); урбанизация жараёнининг фаоллаштирилиши (Л. Адамс); бошқа график ёзув тизимига ўтилиши (С. Акинер, А. Холид, Б. Шильтер, Д. Макфайден, В. Фирман, М. Смит); тил сиёсати (В. Фирман, Т. Мартин, Б. Шильтер, П. Бурдые, П. Блитстейн); диний соҳадаги ислохотлар (С. Горшенина, В. Толз, А. Халид, Д. Нортроп, А. Эдгар, М. Камп, Д. Кандиёти, Ҳ. Фатҳи); ягона ҳисобга олиш тизимини яратилиши (П. Холквист) каби омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хорижий тадқиқотчилар СССРнинг халқларни “қуриш” сиёсатига турлича баҳо беришди. Уларнинг совет давлати иттифоқ республикаларининг миллий ўзлик ҳиссини шакллантиришда муҳим роль ўйнаган, деган фикрига қарамай, уларнинг бу борадаги баҳолари бир-бирига мутлақо зиддир.

¹² Khalid A. The Roots of Uzbekistan: Nation making in the early Soviet Union // Uzbekistan: political order, societal changes, and cultural transformations. Ed. M. Laruelle. – Washington, D. C.: The George Washington University, 2017. – P. 1; Яна қаранг: Ferrando O. Soviet population transfers... – Pp. 43–44.

¹³ Fumagalli M. Ethnicity, state formation and foreign policy: Uzbekistan and Uzbeks abroad // Central Asian survey, 2007. – Vol. 26(1). – P. 110.

Масалан, Т. Мартин СССРни “ижобий фаолият империяси” деб атаган. Унинг фикрига кўра, большевиклар катта ва кичик миллатлар учун қулай шароит яратиб, собиқ Россия империясининг чегараларини сақлаб қолишни истаган. Ю. Слезкиннинг сўзларига кўра, Москвадаги большевиклар раҳбарияти давлатни этниклаштиришни бўлиниш ва ҳукмронлик қилиш усули сифатида эмас, балки миллий даъволар ва маданий қолоқликка бериладиган имтиёз сифатида кўриб чиққанлар.

Совет иттифоқи миллий тафовутларни кристаллаштириш учун барча имкониятларни ишга солгани ва шу билан аста-секин миллий ўзлик ҳиссини ривожлантирганини тан олиш керак. Ҳар бир совет фуқароси маълум бир миллат вакили сифатида туғилган, болалар боғчаси ва мактабда ўз миллати билан бирга ўсиб-унган, паспортида ҳам уни тасдиқлатиб олган ҳамда юзлаб сўровномалар, сертификатлар ва автобиографиялар орқали қабргача шу миллат вакили бўлиб қолган. Аммо, таҳлил давомида баъзи бир чет эллик олимлар миллий ўзликни шакллантириш жараёнидаги маҳаллий ислохотчиларнинг ролини асоссиз равишда иккинчи даражага ўтказётганлиги аниқланди. Баъзан хорижий тадқиқотларнинг яширин мақсади ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёнини шаклланиш йўлини очиб беришга эмас, балки совет давлатининг ҳаракатларини кузатиш ва унинг “империяга хос” сиёсатини фош этишга қаратилганлиги сезилиб қолади. Воқеалар шундай йўсинда талқин этиладики, ўқувчи совет давлатининг империяга хос характерига, марказнинг мутлақ устунлигига ва итоаткор чекка ҳудуднинг “катта сиёсат” да пассив иштирокчи эканлигига беихтиёр ишониб қолади.

Хорижий тадқиқотларда янгича ўзлик ҳиссини шаклланиши, уларнинг ривожланиши, трансформацияга учраши ва “совет шахси”га бирлаштирилиши сиёсати батафсил очиб берилган, бироқ “ушбу сиёсат чекка ҳудудларда қанчалик самарали кечган”, деган савол ҳалигача ёритиб берилмаган.

20-йилларнинг ўрталаридан 90-йилларга қадар бўлган даврда ўзбек халқининг ўзлигини англаш жараёнининг шаклланиши ва ривожланиши жуда мураккаб жараёндир, бироқ замонавий тадқиқотлар ушбу даврга нисбатан жуда кам эътибор қаратганлар. Фақатгина диний (мусулмон) мансублик ҳисси геосиёсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда батафсилроқ кўриб чиқилган.

Диссертациянинг “**Постсовет даврида ўзбеклар ўзлигини англаш жараёнининг ривожланиш тарихшунослиги**” деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейинги даврда ўзбекларнинг миллий ўзлик ҳиссини мустаҳкамлаш жараёни инглиз тилли тадқиқотчилар маълумотлари асосида кўриб чиқилди.

Чет эллик тадқиқотчилар Ўзбекистон ва ўзбек халқи мисолида ХХ асрнинг 20-йиллари бошлари – 90-йилларнинг охирларида янги миллатлар пайдо бўлишида совет давлатининг ролини фаол равишда ўрганиб чиқди, мазкур ҳолат 90-йилларнинг бошларида ушбу мавзу бўйича сиёсий ва илмий нашрларнинг кескин кўпайиши билан боғлиқлиги исботланди.

Марказий Осиёда миллий давлат қуриш соҳасидаги тадқиқотлар Ч. Курзман, Р. Ханкс, А. Куру, Э. Шац, М. Ларюэль, С. Камингс, Л. Адамс,

М. Омеличева, А. Хаген, Ш. Акинер каби бир қатор олимларнинг асарларида ёритиб берилган. Бундан ташқари, 90-йилларнинг бошларида Совет давлатининг миллий сиёсати ва хусусан, Москванинг Марказий Осиё билан муносабатларини ўрганган комплекс асарлар ҳам пайдо бўлди. Ушбу тадқиқотчилар доирасига Р. Суни, Ю. Слёзкин, Р. Брубейкер, Т. Мартин, Ф. Хирш ва бошқаларни киритиш мумкин.

“Совет” давлатидан “мустақил” давлатга айланиш ҳодисаси бу – ўтмишдаги воқеалар билан қайта бирлашиш ва ўзликни англашнинг янги таърифларини аниқлаш томон ҳаракатни ўз ичига олган, турли кўринишларга эга бўлган доимий жараён дир.

Шу билан бир қаторда, давлат турлича ўзлик ҳиссига эга гуруҳлардан янги миллатларни шакллантиришда, миллий тилларни яратишда ва тарихий воқеаларни қайта кўриб чиқишда, айрим шахслар фаолиятини қайта баҳолашда муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари, янги сиёсатнинг ҳар бир босқичи олдингиларининг айрим элементларини ўз ичига олади. Марказий Осиёнинг янги ташкил топган республикаларида трансформация ва ўзгариш жараёни ўз-ўзидан эмас, балки аста-секин ва босқичма-босқич амалга оширилди.

М. Ларюэлнинг фикрича, Ўзбекистон миллат куришнинг икки шаклидан фойдаланган. Биринчиси, фуқаролик сиёсати орқали ифода этилган сиёсий миллат куриш бўлса, иккинчиси эса маданий миллат барпо этиш ҳисобланиб, унда бутун рамзий жиҳатларда титулли этник гуруҳга устунлик берилади¹⁴.

Хорижий тадқиқотчилар орасида миллатларнинг яратилиши ҳақидаги назарий мунозаралар узоқ вақтдан бери иккита асосий мактаб ўртасида тақсимланиб келган: примордиал мактаб, у миллатларни моҳиятий хусусиятларга эга барқарор тирик мавжудотлар сифатида кўриб чиқади; конструктивистик, унда миллат – замонавийлик маҳсули ҳисобланади. Икки асосий назарий йўналишлардан ташқари, миллат куриш жараёнларини бошқа бурчак (функционализм)дан кўриб чиқадиган бир нечта янги йўналишлар мавжуд. Учинчи йўналиш этносимволизм¹⁵ бўлиб, ушбу мактаб бир назариядан иккинчисини устун қўйишдан узоқлашишга ҳаракат қилади ва иккала ёндашувни ҳам ҳисобга олади.

Ҳар бир алоҳида олинган тадқиқотчи, унда давлатни иштироки максимал даражада бўлган, Ўзбекистондаги давлатни куриш ва миллий ўзликни англаш ҳиссини ривожлантириш сиёсати ҳамда воситаларини аниқ танлаб олган ҳамда очиб берган. Миллий тарихни қайтадан ёзиш, расмий тил сиёсати, миллий рамзлар, дин, алоқа тизимлари, маданий тарғибот, миллий сиёсат ва бошқалар энг кўп тарқалган мавзулардан бири эди¹⁶.

Ўзбекистоннинг миллий тарихга бўлган муносабати А. Сенгупта, М. Ларюэль, Р. Занка, Д. Хиро, Э. Визер, Ч. Курзман, Ш. Акбарзаде,

¹⁴ Laruelle M. The Nation Narrated Uzbekistan's political and Cultural Nationalism. – P. 261.

¹⁵ Smith A. Myths and memories of the nation. – Oxford: Oxford University Press, 1999; Ўша муаллиф: The Cultural Foundations of Nations: Hierarchy, Covenant and Republic. – Malden, MA: Blackwell, 2008.

¹⁶ Grigol U. Soviet nation-building in Central Asia: the making of the Kazakh and Uzbek nations. – London and New York: Routledge, 2016. – P. 13-19.

